

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «30» 6

2022-183-13-190-ОВ-
сон

Тұрғын ш.

Ташкилот: Түрткүл тумани Ободонлаштириш бошқармаси, (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилувчи) номидан, ўзининг устав ва низомлари асосида, фаолият юритувчи раҳбар: А. Юсупов бир тарафдан, Иккинчи тараф ташкилот: “To'rtko'l tuman yo'llardan foydalanish” UK (кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритилувчи) номидан ўзининг устав ва низомлари асосида фаолият юритувчи раҳбар: У. Матназаров пудрат шартномасини күйидагилар түғрисида туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

- 1.1. Мазкур шартномага асосан, “Пудратчи” “Буюртмачи” нинг буюртмасига асосан, Түрткүл тумани Зиёкор күчасини 0-0,48 км қисмини жорий таъмирлаш ишлари белгиланган муддатларда, тегишли меъёрлар ва нормаларга мувофиқ равишда, бажаришни ўз зиммасига олади
- 1.2. “Буюртма” чи ўз навбатида, “Пудратчи” томонидан, бажарилган хизматларининг ҳақини ўз вақтида тұлаш ва иш натижаларини қабул қилиб олиш, мажбуриятини ўз зиммасига олади.
- 1.3. Мазкур шартнома асосида, бажариладиган хизмат турлари ва баҳоси шартноманинг тағсилотлар бўлимида тўлиқ кўрсатилган.

2. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ХИЗМАТЛАРНИ БАЖАРИШ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 2.1. “Пудратчи” томонидан, хизматлар тўлиқ бажарилганидан кейин “Буюртмачи” ишларни далолатнома асосида, далолатнома тўлдириб қабул қилиб олади.
- 2.2. “Пудратчи” шартнома мажбуриятларига асосан, хизматлар сифатига тўла кафолат беради ва барча жавобгарликни ўз зиммасига олади.
- 2.3. “Пудратчи” хизматларни бажариш жараёнида ва кейинчалик кафолат давомида, аниқланган нуқсонларни ўз ҳисобидан бартараф қиласи.

3. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ЎЗАРО ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- 3.1. Мазкур шартноманинг умумий 235 271 540 баҳоси: (Икки юз ўттиз беш миллион икки юз етмиш бир минг беш юз қирқ) сўмни ташкил қиласи. Шундан. ҚҚС сўммаси 30 687 592,17 сўмни ташкил қиласи.
- 3.2. Кўрсатиладиган хизматлар учун ҳисоб-китоблар, шартноманинг
- 3.1. бандида кўрсатилган сумманинг 30 фоизи олдиндан пул ўтказиш йўли билан қолган 70 фоизи хизматлар узил-кесил тўлиқ бажарилганидан кейин пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

IV. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

“Пудратчи” нинг мажбуриятлари:

- 4.1. “Пудратчи” мазкур шартномага асосан, барча мажбуриятларни қонунга мувофиқ тарзда бажаришни ўз зиммасига олади.
- 4.2. “Пудратчи” шартнома бўйича, хизматларни белгиланган муддатда, меъёрлар ва нормаларга мувофиқ равишда бажаради.
- 4.3. “Пудратчи”, кўрсатган хизматларининг сифатига бир йил давомида тўла кафолат беради.
- 4.4. “Пудратчи” хизматлар кўрсатиш жараёнида нуқсонлари аниқланганида, барча камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф қиласи.

“Пудратчи” нинг ҳуқуқлари:

- 4.5. “Пудратчи” “Буюртмачи” дан, кўрсатилган хизматлари учун ҳисоб-китоб тўловларини ўз вақтида амалга оширишни талаб қилишга.
- 4.6. “Пудратчи” “Буюртмачи” дан шартнома мажбуриятларига тўла амал қилишни талаб қилишга.
- 4.7. “Буюртмачи” шартнома бўйича, мажбуриятларини бажармаганида ёки лозим даражада бажармаганида, буюртмачини Қорақалпогистон Республикасининг Иктисодиёт судига беришга:

“Буюртмачи” нинг мажбуриятлари:

- 4.8. “Буюртмачи” “Пудратчи” томонидан, курсатилган хизматларининг ҳисоб-китобларини ўз вақтида амалга ошириш.

- 4.9.Мазкур шартнома бўйича, ўз зиммасига олган барча мажбуриятларни қонунларга мувофиқ тарзда бажариш.
- 4.10.Шартномага асосан,”Пудратчи” томонидан, кўрсатилган хизматларни ўз вақтида қабул қилиб олиш.

“Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:

- 4.11.”Пудратчи”дан мазкур шартнома бўйича, барча мажбуриятларни тўлиқ бажаришини талаб қилиш.
- 4.12.”Пудратчи Курсатилаётган хизматлари давомида, мейёrlар ва нормалардан чекланишга йўл кўйганида,”Пудратчи”ни огоҳлантириш ҳуқуқига эга.
- 4.13.”Пудратчи” мазкур шартнома бўйича, мажбуриятларини тўлиқ ёки лозим даражада бажармаганида,”Пудратчи”ни Қорақалпогистон Республикасининг ҳўжалик судига беришга ҳакли.

V. ШАРТНОМА ТАРАФЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Пудратчи ўз вақтида буюртмада кўрсатилган хизматларни Бюртачига ўз бажарилмаган тақдирда, агар бу томонларнинг келишувига асосан кўзда тутилган бўлса, Пудратчи Бюртмачига хизмат кўрсатишни кечикириб бажарганда ҳар бир кун учун иш хажмининг қийматининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган маҳсулотлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.
- 5.2. Шартноманинг 2.1. бандига асосан Пудратчи томонидан кўрсатилган хизматнинг сифатсизлиги тегишли хужжатлар билан тасдиқланса, у ҳолда Бюртмачи кўрсатилган хизматни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, Пудратчидан кўрсатилган хизматнинг қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар маҳсулотлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлиdir.
- 5.3. Пудратчи етказиб берилган маҳсулотлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун Бюртмачи ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди
- 5.4. Тарафларнинг жавобгарлик холатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисидаги» Қонуни бўйича амалга оширилади.

V1. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШ ТАРТИБИ

- 6.1.Мазкур шартноманинг мажбуриятлари тарафлар томонидан қонун доиласида бажарилиши лозим.
- 6.2.Тарафлар шартнома бўйича, ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг бажарилишини тўла таъминласалар шартнома бажарилган ҳисобланади.
- 6.3.Шартнома мажбуриятлари “Пудратчи” томонидан, 45 кун ичida тўлиқ тутатилади..

V11. ШАРТНОМАГА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

- 7.1.Шартнома тарафларнинг келишувига асосан, Фазначилик бўлинмасидан руйхатдан ўтган кундан бошлаб 31 декабр 2022 йилгacha амал қилинади.
- 7.2.Мазкур шартноманинг бажарилиш муддатига томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзgartiriш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

V111. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБЛАРИ

- 8.1.Мазкур шартнома бўйича, ўзаро келишмовчиликлар ва низолар келиб чиққан тақдирда,тарафлар қоида тарикасида,уларни судгача ҳал қилиш чораларини кўрадилар.
- 8.2.Тарафлар ўртасида келиб чиққан,келишмовчилик ва низолар ўзаро ҳал қилинмагач,белгиланган тартибда, Қорақалпогистон Республикасининг иктисодиёт судида ҳал қилинади.

IX . КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ШАРТЛАРИ

9.1. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қуийдагиларни кафолатлайди:

- қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини;
- шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл кўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини;
- моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз олинмаганлигини.

9.2. Тарафлар улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

9.3. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиласиган шахслар юқоридаги мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазиик ўтказилмаслигини кафолатлайди.

9.4. Шартноманинг тарафи ва у томонидан жалб қилинган шахслар (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахслар) томонидан коррупсияга қарши қўшимча шартларга риоя этилмаганда, иккинчи тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли бўлади.

X. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ

9.1. Тарафлардан бири, шартномани форс-мажор ҳолатлар туфайли, яъни енгиг бўлмас кучлар(фавқулоттда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган, ёнғинлар, жала, дўл, сел, сув ташқини, зилзила) туфайли бажармаганлигини исботласалар, жавобгар бўлмайдилар.

9.2. Тарафлар форс-мажор ҳолатлари тўғрисида, ёзма равишда бир-бирини хабардор қилишлари лозим.

XI. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

10.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар томонларнинг ўзаро розилиги билан ёзма равишда амалга оширилади.

10.2. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бирига бир нусхадан икки нусхада тузилди, ушбу нусхаларнинг барчаси бир ҳил юридик кучга эга.

10.3. Мазкур шартнома, мажбурий тартибда, давлат Фазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтказилганидан бошлаб қонуний кучга киради.

XII. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ

ПУДРАТЧИ

Ташкилот: "To'rtko'l tuman yo'llardan foydalanish" UK

Манзил: Тўрткўл туман Тошкент кўча
Тел: (61) 532 06-31

Р\С: 20210000600420895001

ИНН: 200393384

Банк: АТБ Микрокредитбанк Турткул
филиали
МФО: 00599

БУЮРТМАЧИ

Ташкилот: Тўрткўл тумани Ободонлаштириш бошкармаси

Манзил: Турткул кучка 55 уй
Тел: 532-33-28

ЛС 401722860352337065200110009

ИНН: 204633184

Банк: Марказий банк Т-ш Бош

МФО: 00014

Молия Вазирлиги ягона Фазна ҳисоб
вараги, Фазначилик бўлинмаси:
ХР: 2340200030010000101



Директор
М.У

У.Матназаров



А.Юсупов

-sonli shartnomaga
ilova

Korrupsiyaga qarshiqoidalalarining ASOSIY SHARTLARI

1. Tomonlar shartnoma bo'yicha o'z majburiyatlarini bajarayotganda O'zbekiston Respublikasining korrupsiyaga qarshi kurashish to'g'risidagi qonun hujjatlarining talablariga zid keladigan harqanday harakatlarni amalga oshirmaydilar, shu jumladan pora, ya'ni (davlat organi yoki tashkilotning nomi) xodimi o'z xizmat majburiyatlaridan foydalangan holda pora bergan shaxsnинг manfaatlarini ko'zlab muayyan harakatlarni sodir etishi yoki sodir etmasligi shartligi yohud mumkinligi uchun moddiy qimmatliklarni yoki mulkiy naf olish uchun quyidagi harakatlarni qilmaydi:
2. pora berishni taklif qilish yoki va'da berish; tovlamachilik qilish;
3. pora sifatida pul to'lash;
4. bevosita yoki bilvosita pora olishga rozilik berish.
5. Tomonlar ushbu harakatlarga yo'l qo'ymaslik bo'yicha choralar ko'rili shiga kafolat beradi.
6. Agar shartnoma bo'yicha bir Tomon(davlat organi yoki takshlotining nomi) xodimining axloqqa to'g'ri kelmaydigan va ushbu shartnoma yoki O'zbekiston Respublikasi qonunchilik hujjatlariga zid keladigan xatti-harakatlariga, shu jumladan, korrupsiyaga oid huquqburzarlik sodir etishga majburlashdan iborat bo'lgan faktlarga duch kelsa, bu haqda quyidagi aloqa kanallaridan biri orqali xabardor qilishi kerak: korrupsiya haqida xabar berishga mo'ljallangan ishonch telefoni; Telegram-kanali ("@xxxxxxxxxx");
(davlat organi yoki takshlotining nomi) rasmiy veb-saytida joylashtirilgan shakl yoki elektron pochta.

TOMONLAR:

Bajaruvchi:

(davlat organi yoki takshlotining lavozimi)



"To'rtko'l tuman yo'llardan foydalanish"
UK (E.O.I.)

(imzo)

To'rtko'l tuman Obodonlashtirishboshqarmasi



(imzo)

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi: **Xo`jalik shartnomasi**
2. Loyihaning nomi: To'rtko'l tuman Obodonlashtirish boshqarmasining "To'rtko'l tuman yo'llardan foydalanish" UK bilan umumiy narx 235271540so'm bo'lgan Pudrat shartnomasi to'g'risidagi shartnomaga loyihasi.
3. Loyerha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:
To'rtko'l tuman Obodonlashtirish boshqarmasini tomonidan ishlab chiqilgan va 2022 yil 29-iyun kuni dasturga kiritilgan.
4. Ushbu shartnomaga loyihasi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksihihg 354-moddasi, O'zbekiston Respublikasining 1998 yil 29 avgust kungi "Xo`jalik yurutuvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to`g'risida "gi 670-1 sonli Qonuning 10, 13, 25, 26 va 32- moddalari, shuningdek O'zbekiston Respublikasi 2021 yil 22 apreldagi "Davlat xaridlari to`grisida»gi O'RQ 684-sonli qonuninnng 9-bobi hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 14 sentyabrdagi "Shartnomaviy munosabatlarni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to`grisida»gi 6313-sonli Farmonning 1-bandiga 4 xtboshisi va 3-bob v kichik bandlari talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

To'rtko'l tumani Adliya bo'limi
Yuridik xizmat ko'rsatish markazi
bosh yuristkonsulti:



D.Allabergenov

29.06.2022 yil



Түрткүл тумани Зиёкор күчасини 0-0,48 км қисмини жорий таъмирлаш учун
энг яхши таклифларни танлаб олиш бўйича ўтказилган

110238/1 сонли мажлис баённомаси

Катнашувчилар:

Комиссия раиси:

А.Юсупов- Түрткүл туман Ободонлаштириш
бошлиғи, комиссия раиси

Комиссия аъзолари:

М.Таджибаев	-Бўлим бошлиғи, комиссия аъзоси
М.Кулимбетов	Туман молия бўлими мутахассиси, комиссия аъзоси
Р.Раймов	Бўим бошлиғи, комиссия аъзоси
Д.Ходжаниязов	Механик, комиссия аъзоси

Кун тартиби:

Түрткүл тумани Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси раиси А.Юсупов мажлисда танлов комиссиясининг 5 аъзосидан 5 киши катнашаётганлигини айтиб ўтиб танлов комиссияси мажлисини очик деб эълон килди.

Ушбу танлов бўйича 2021 йил 22 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг 684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги Конунинининг 58-моддасига мувофиқ энг яхши таклифларни танлаб олиш танлов ўтказилиши хакидаги элон танлов катнашувчиларининг таклифларини кабул килиш муддати 5 кун олдин бюджет ташкилоти томонидан маҳсус ахборот порталига (etender.uzex.uz) 2022 йил 21 июнь куни №22110012110238 лот бўйича ва 2022 йил 28 июн кунги №110238 сонли баённома бўйича хеч кандай этроз келиб тушмади.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида” Конун талабларига ва юқоридаги кўрсатилаган маълумотларни хисобга олиб танлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ :

1. Түрткүл тумани Зиёкор күчасини 0-0,48 км қисмини жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш бўйича ўтказилган танлов хужжатларидан ҳамда танолов шартлари бўйча энг яхши таклифларни таклиф қилган ва танлов голиби деб УП ТО'RTKO'L TUMAN YO'LLARDAN 235,271,540.сўм (ККС билан бирга) шартнома тузилсин.

2. Танлов голиби танлов шартлари асосида шартнома тузишдан бош тортган тагдирда шартнома тузиш хукуки кейинги қатнашувчи (резерв) килиб XIVA XALOL SAVDO MCHJ белгилансин. Бунда Голиб катнашувчи таклиф қилган суммасидан ошмаган миқдорда шартнома тузиш мумкинлиги белгилаб қўйилсин.

3. Конун талабларига мувофиқ танлов қанашувчиларининг таклифларни кўриб чикиш ҳамда баҳолаш муддати таклифларни бериш тугашидан 10 кун муддатдан ошиб кетиши мукин эмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Ташкилотнинг бош хисобчиси М. Нуриев танлов якуни бўйича голиб билан шартнома хужжатларини таёrlаш хамда шартнома тузилгандан кейин 3 иш куни ичида тегишли ахборот парталига (etender.uzex.uz) жойлаштириш топширилсин.

5. Танлов комиссияси котиби Р. Раимов ушбу танловга тегишли барча хужжатларни белгиланган тартибда сакланиши таъминлансан.

Комиссия раиси:

А. Юсупов-

Тўрткўл туман Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи, комиссия раиси

Комиссия аъзолари:

М. Таджибаев

Бўлим бошлиғи, комиссия аъзоси

М. Кулимбетов

Туман молия бўлими мутахассиси, комиссия аъзоси

Р. Раимов

Бўим бошлиғи, комиссия аъзоси

Д. Ходжаниязов

Механик, комиссия аъзоси